

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**602** Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар  
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 834-23*

*(2013 йил 1 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 24 сентябрда тасдиқланган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 834, 1999 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2013 йилнинг 1 январидан кучга киради.

**Раис**

Тошкент ш.,  
2012 йил 6 декабрь,  
01-02/19-42-сон

**3. ДУСАНОВ**

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.